



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
14-avgust
chorshanba
№ 33 (1408)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqarilgan ✦ www.uzhurriyat.uz ✦ @ gazhurriyat@mail.ru ✦ t.me/hurriyatuz ✦ Hurriyat gazetasi

ОЛИМПИАДА-2024

ПАРИЖДАГИ ВАЗИФА АНИҚ ЭДИ!

Олимпиячиларимиз вазифани шараф билан бажаришди!



Ҳаммамизга маълумки, куни кеча Париж олимпиадасида юртимиз донғини дунёга таратган спорт делегациямиз Тошкент халқаро аэропортида кенг жамоатчилик вакиллари томонидан тантанали кутиб олинди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш ва спорт турларида салоҳиятини намоёиш этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилаётганини таъкидлаб, олимпиячиларимизни унутилмас ғалабалари билан табриклади. Олимпиячилар номидан сўзга чиққан икки карра Олимпия чемпиони Ҳасанбой Дўстматов, Париж олимпиадаси ғолиби Диёра Келдиёрова спортчиларимизни қўллаб-қувватлаб турган Президентимизга миннатдорлик билдириб, келгуси мусобақаларда юксак ғалабаларга эришишга ваъда берди.

Олимпиячиларимиз ота-оналари

номидан сўзга чиққан икки карра Олимпия чемпиони Баҳодир Жалоловнинг онаси Сабоҳат Ёқубова, Париж олимпиадаси ғолиби Улугбек Рашитовнинг онаси Оксана Даниленко фарзандларини, спортчиларимизни қўллаб-қувватлаган Президентимизга, халқимизга самимий дил сўзларини изҳор этди. Бокс жамоамиз бош мураббийи Тўлқин Қиличев олимпиячиларимиз эришган оламшумул ғалабаларга тўхталиб, “Бизни шундай тантаналар билан кутиб олганингиздан хурсандмиз. Бундай эътибор ва ғамхўрлик келажақда янада юксак ғалабаларга эришишимизга қувват бўлади”, — дея дил сўзларини яқунлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиiddин Сайид ғолибларга бағишланган шеърини ўқиди. Тадбир сўнггида Ватанни, мардликни мадҳ этувчи қўшиқлар янгради.

Олимпиада ғолиблари ва совриндорларига Президентимиз совғалари — автомобиль, хонадон калитлари, пул мукофотлари топширилди.

Дарҳақиқат, Париж олимпиадасида спортчиларимиз 8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритишди, умумжамоа ҳисобида 206 давлат вакиллари ўртасида 13-ўринни эгаллади. Юртимиз тарихида янги зарҳал саҳифани очган олимпиадада вакилларимиз биринчи марта умумжамоа ҳисобида 13-ўринга кўтарилиди, биринчи марта ўзбек қизи Олимпия чемпиони бўлди, биринчи марта ўзбегимнинг уч нафар фарзанди икки карра Олимпия чемпиони деган унвон билан шарафланди.

Биз олимпиаданинг мурасасиз кечган мусобақаларида халқимизга олам-олам завқ-шавқ бағишлаган барча спортчиларимизни, уларни тайёрлаган мураббийларини, шу соҳага масъул мутасаддиларни залворли ғалабалари билан чин дилдан табриклаймиз, дунё миқёсида Ўзбекистонимиз шарафини улуғлаганлари учун уларга самимий миннатдорлигимизни изҳор этсак арзийди. Залворли ғалаба барчамизга муборак бўлсин!

Дунё миқёсида давлатнинг салоҳияти спортчиларининг ҳар тўрт йилликнинг нуфузли мусобақаси ҳисобланмиш олимпиадада қўлга киритган медаллари сони ва салмоғига қараб белгиланади. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев Токио-2019 олимпиадасида иштирок этган спорт делегацияси вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида келгуси олимпиадада эришилиши позим бўлган маррани аниқ белгилаб берган эдилар: “Парижда бўлиб ўтадиган навбатдаги ёзги олим-

пиадада 100 дан зиёд лицензияни қўлга киритиш ва медаллар бўйича етакчи 15 та мамлакат қаторидан жой олиш учун ҳамма имкониятларимиз бор”.

Албатта, олимпиада лицензияларини қўлга киритиш осон эмас. Уч йил давом этган кескин курашлардан сўнг спортчиларимиз 75 та лицензияга эга бўлишди. Гап сонда эмас, сифатда. Олимпиячиларимиз мурасасиз курашларда Президентимиз томонидан олдиларига қўйилган вазифани ошиғи билан бажаришди, медаллар бўйича жаҳонда етакчи 13 мамлакат қаторидан жой олишди. Собиқ иттифоқ мамлакатлари бўйича эса биринчи ўринни қайд этди.

Ўзбек қизи — олимпия чемпиони!

Халқимиз бу тарихий ғалабани узок йиллар кутди. Биламизки, қадимий олимпиада эраимиздан аввалги 776 йилдан то милодий 394 йилгача ҳар тўрт йилда Грециянинг Олимпия шаҳрида ўтказилган. Замонавий олимпиада эса 1896 йилдан ҳар тўрт йилда ўтказиб келинмоқда. Юртимиз спортчилари мустақил жамоа сифатида 1996 йилги Атланта олимпиадасидан қатнаша бошлади. Ўтган олимпиадаларда ўзбек қизи медал олиш тугул, ҳатто кўпчилигида қатнашмади.

Мустабид тузум даврида ўзбек қизини мамлакат терма жамоасига қақришмасди, спорт майдонларига шуғулланишга келсалар, чиқиштиришмасди.

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан кейингина ўзбек қизларининг спорт билан шуғулланишлари ва халқаро мусобақаларда қатнашшлари учун кенг имконият эшиклари очилди. Тўмарис, Барчиной момоларимиз авлоди бўлган қизларимиз нуфузли мусобақаларда ҳам ғалаба қозонишга қодир эканликларини исботлай бошлашди. Ниҳоят, Париж олимпиадасининг дзюдо бўйича 52 кг вазн тоифасида ўзбек қизи Диёра Келдиёрова Олимпия чемпиони бўлди ва ўз номини, мамлакатимиз номини олимпиада тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёздириб қўйди. Бу ғалаба қизларимизга Мустақиллик берган неъматлар тантанасидир! Шукурки, энди юртимизда ўзбек қизларининг камолга етишига, шонли ғалабаларга эришишига жон қойишадиган фидойи бор. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Диёрани оламшумул ғалабаси билан кураш тугаганидаёқ телефон орқали табриклагани, эзгу тилакларини билдирганлари бунинг ёрқин исботидир!

Чорак аср илгари биров 1998 йил 13 июль куни Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани Пўлатчи маҳалласидаги оддий ўзбек оиласида туғилган Диёра (отаси Бахтиёр ака пахта тозалаш заводида ишчи, онаси Дилором опа боғдада тарбиячи) келажақда Олимпия чемпиони бўлади, деса, ҳеч ким ишонмасди. Ҳатто озгингина қизалоқнинг спортчи бўлишини кўз олдида келтира олмасди.

4-6

ИФТИХОР



ОЛИМП УЗРА ҲИЛПИРАР ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ

Бу кунлар шунчаки келган эмасдир,
Шунчаки келганмас бу кунлар шони.
Сув келса симириб, тошини кемириб,
Ростдан темирмиди ўзбекнинг экони?
Ўзбекистон — десак, чет элга бориб,
Биров билмас эди, кўзга илмасди.
Ўзбекистон — десак, ранги кўкариб,
Билса ҳам нописанд, тилга олмасди.
Ўзбекистон — десак, энгаси қотиб,
“Шундай жой борми?” — деб сўраган дунё.
Юзин терсага буриб, орқа ўгириб,
Ё кўрсан, ё ростдан кўрмаган дунё.
Бугун кўр! Ўзбекнинг асқдошларин,
Бугун кўр! Ўзбекнинг ўзлонларини.
Кўр! Ватан байрогини баланд кўтариб,
Ортга қайтмайди арслонларини.
Кеча эмасмиди йиртиқ қалишда,
Кўзларга эгилиб, қиш ўтганимиз.
Кеча эмасмиди озғимиз қонаб,
Бутифос аралаш қум ютганимиз.
Гулдек болаларинг пахтага ҳайдаб,
Қанча чемпионни бой берди дунё.
“Афғон уруши”да темир тобутда
Қабрда болангга жой бериб дунё.
Ранги синик, руҳи синик келинчаларинг
Кўзи ёрар пайти экон бергани рост.
“Олтин кўлсан”, — дея алданганларни,
Тупроқ ялагани, тош тергани рост.
Қанча гўдакларни қутқаролмади,
“Болаларнинг юкмули ишфохонаси”.
Кетмонча суяниб толди отаси,
Қирқиди қирқилиб қолди онаси.
Ўйлардик: бош узра ёғу қун борми?
Бормикин зойибдан бирор ҳимон?
Сўякин синдириб кир “Пахта иши”,
Ўйлардик: ситамга борми ниҳоя?
Дарё бўйидаги сувсиз гул эдик,
Мустақиллик берган тозе-тахтга қадар.
Неча бор қирилдик, неча тирилдик,
То овозлик қадар, то бахтга қадар.

Ниҳоят!
Ниҳоят!
Шукур, ниҳоят!
Ғам тоғини кўпориб сабр ва бардош.
Асрий музликларни синадирди чил-чил,
Юртбошим қалбидан нур сочган қўёи.
Бугун офтоб тегиб елканга, халқим,
Бугун кўзларингизда чақнамоқда нур.
Олимпнинг энг юксак майдони узра,
Муқаддас байрогинг ҳилпираб мағрур.
Бу кунлар шунчаки келган эмасдир,
Шунчаки келганмас бу кунлар шони.
Қонқонлардан ўтган, ўпқондан ўтган,
Ростдан темирмиди ўзбекнинг экони?
Бугун биз бирлашдик, буюк бирликдан,
Хар битта юракда юксалди тоғлар.
Олтин мева берди Олимпиадада,
Юртбошим қўлидан сув ичган боғлар.
Мадҳия қуйланса юзларини ювган,
Шунчалар шириндир бу севинч ёилар?!
Шунчалар азиздир терларинг ийри,
Қонлаш юзлар-у ёрилган қошлар.
Диёра бир ён-у, Ситора бир ён.
Янги боғлари бор Ўзбекистоннинг.
Водийсида байрам, воҳасида тўй,
Хушнуд чозлари бор Ўзбекистоннинг.
Баҳодир, Ҳасанбой, Асадуллоевлар,
Лазизбейлари бор Ўзбекистоннинг.
Шогирдин болам, деб эконини берган,
Мураббийлари бор Ўзбекистоннинг.
Улугбек султондек юлдузни урган,
Улуг султони бор Ўзбекистоннинг.
Хар битта боласи ўзи бир жаҳон,
Айтинг, не армони бор Ўзбекистоннинг?
Олимп чуққисидан баланддан-баланд
Шони — байроги бор Ўзбекистоннинг!
Хар ўзбек боласин “боламсан” деган,
Юртбошимиз — тоғи бор Ўзбекистоннинг!

Зулфия МЎМИНОВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ОЛИЖАНОБ КАМТАРЛИКНИНГ ОЛИЙ МАҚОМЛАРИ

Бир қарашда “олижаноб” билан “камтарлик” сўзларининг бири осмонда-ю, иккинчиси ерда каби туюлади. Камтарликнинг моҳияти, ўрни, қиёфаси аксарият ҳолларда пойгақда, бир чеккада, эътибордан четда тасаввур этилади. Келинг, “юзта сизу биздан битта жиз-биз яхши”, — дейдилар.

Кечагина Франция пойтахти Париж шаҳрида яқунланган “Олимпиада-2024” уйинлари доирасида стадионлар, сув ҳавзалари, махсус кураш майдонларида бўлиб ўтган беллашуларда спортчиларнинг маҳорати, тажрибаси, ўзига хос услублари билан боғлиқ унутил-

мас воқеалар жуда кўп учради. Дунё ҳаётида катта воқеа бўлган бу анъанавий тадбирга ҳаваскору профессионал спортчилар йиллар давомида тайёрланиб, жисмонан чинқидилар; ўзлари танлаган спорт турининг энг нозик, муҳим, ғалабага олиб боровчи сиру синоатларини ўз-

лаштирдилар; мусобақалар давомида буни намоёиш этдилар. “Олимпиада-2024” янги номларни кашф этди, янги рекордлар қайд этилди. Ва яна бир юксак марра — мусобақаларнинг ҳужжатларида қайд этилмас-да, дунёдаги қалб кўзлари равшан инсонлар томонидан ҳолисаниллоҳ, меҳру муҳаббат, ҳайрат, ҳавас билан эътироф этилди.

3-6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 33 ЙИЛЛИГИГА

КЎҲНА ВОҲАНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ ёки Самарқандга сайқал бераётганлар



Самарқанд воҳаси нафақат ўзининг ноёб тарихий, маданий ёдгорликлари, балки танти, бағри кенг, меҳнатсевар одамлари билан ҳам маълум ва машҳур. Айни кунларда воҳанинг қайси тумани ёки маҳалласига борманг, боғларда етиштирилган сархил мевалар йиғиштириб олинаётганининг, кенг ҳажмдаги қурилиш-бунёдкорлик ишларининг, турли дастурлар доирасида ишга туширилаётган янги-янги корхоналар, ижтимоий соҳа объекларининг устидан чиқасиз. Фидокорона меҳнати, тадбиркорлиги билан

ризқини топаётган бу одамлар эртанги кунига ишонч билан қараб, қадим юртининг янги қиёфасини яратмоқдалар.

ОШАЁТГАН ЭКСПОРТ САЛОҲИАТИ

Айни пайтда “Оҳалик олтин боғи меваси” масъулияти чекланган жамияти кластерининг Жомбой филиалига қарашли интенсив боғларда олма мевалари йиғиштириб олинмоқда.

2-6

КЎХНА ВОҲАНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

ёки Самарқандга сайқал бераётганлар



1-6

Учинчи йилдики, бу ердаги 360 гектар майдонда ҳам ички, ҳам ташқи бозорда харидоригр бўлган олма дарахтининг серхосил "Pink Lady" нави етиштирилмоқда.

— Бу йил ҳар гектардан ўртача 40 тоннадан, келаси йили эса 50 тоннадан мева олишни мўлжаллапмиз, — дейди филиал мудири Зафар Тоҳиров. — Бу ерда мингга яқин мавсумий ва 46 нафар доимий ишчи меҳнат қилади, улар учун тушлик ва транспорт бепул. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 2 миллион сўмдан 3,5 миллион сўмгача. Бундан ташқари, жорий йилда Грециядан келтирилган пистанинг янги намини етиштиришни бошлади.

Самарқандда ўтган йили озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга бағишланган халқаро конференция доирасида ташкил этилган сўнгги ярмаркада мазкур кластернинг филиал ва фермер хўжаликлари фаол иштирок этиб, хорижий истеъмолчилар билан 10 дан ортиқ шартнома имзолади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, айни пайтда мазкур кластер нафақат вилоятимиз, балки республикада мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи йирик корхоналардан бири ҳисобланади.

Самарқанд вилоятидан ташқари "Оҳалик олтин боғи меваси" масъулияти чекланган жамияти кластери томонидан Тошкент, Жиззах ва Бухоро вилоятларида қарийб тўрт минг гектар майдонда интенсив боғлар барпо этилди.

Эътиборли жиҳати, мазкур кластерда нафақат маҳсулот етиштирилмоқда, балки уларни халқаро андозалар асосида қайта ишлаб, қадоқлаш ҳам йўлга қўйилган. Бу эса маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш имконини бермоқда. Масалан, жорий йилда кластер томонидан Россия, Тожикистон ва Қозғоғистонга 25 миллион 841 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

— Олма ва ўрик концентратлари ҳозир жаҳон бозорида талаб катта, — дейди "Оҳалик олтин боғи меваси" масъулияти чекланган жамияти кластери раҳбари Олим Солиев. — Шу боис ўтган йили замонавий қадоқлаш ускуналари ёрдамида концентратланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Қолаверса, ҳозирда қовунларимизга харидорлар кўп. Маҳсулот дастлаб музлаткича тегишли ҳароратда сақланади. Кейин қадоқланиб, махсус автомашиналарда хорижий ҳамкорларга етказилади.

Кластер тизимидаги корхона ва фермер хўжаликларидан 600 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи доимий иш билан таъминлангани ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Мавсумий ишчилар сони эса 3,5 минг кишига етади.

— Бундан ташқари, жамоамиз хорижий ҳамкорлар билан ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда, — дейди О.Солиев. — Хусусан, хорижлик мутахассислар томонидан боғларни парварши қилиш, ҳашаротлар зараркундаларига қарши курашиш бўйича мунтазам маслаҳатлар бериб келинмоқда. Кластер боғлари Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Самарқанд, Жомбой ва Нуробод туманларида жойлашган.

Йил охиригача компания экспорт ҳажмини 30 миллион долларга етказишни режалаштирмоқда. 10 минг тонна ситимга эга совитчи ускуналари эса бу ерда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли сақлаш имконини беради.

КИМЁВИЙ ВОСИТАЛАРДАН ВОЗ КЕЧИЛГАН

Самарқанд шаҳрининг кўркам гўшаларидан бири "Боғибаланд" маҳалласи анжирзорлари билан машҳур. Бу ерда ташриф буюрган сайёҳлар пишиб етилган меваларни ўз кўллари билан териб олиб истеъмол қилиш имконига эга.



Бундай имкониятни Боғибаландда жойлашган оилавий шартнома асосидаги фермер хўжаликлари тақдим этмоқда. Боғ номига мос равишда ҳақиқатан ҳам тепаликда, шаҳарнинг энг баланд нуқтасида жойлашган. Шунинг учун ҳатто ёз жазирасида ҳам бу ерда салқин шабадани ҳис қилишингиз мумкин, негаки дарахтларнинг кўпчилиги ҳавони салқин қилади.

Шундай қилиб, сиз бемалол супадада ўтириб, кўк чойга буюртма беришингиз ва кўп асрлик дарахтлар сосида салқинликдан баҳра-

манд бўлишингиз, яқин атрофда оқаётган Обираҳмат дарёсининг шовқинини тинглашингиз мумкин. Агар сиз олтин анжирни татиб кўрмоқчи бўлсангиз, унда боғ бўйлаб юриб, соғлигингиз учун хоҳлаганингизча ундан тановул қилишингиз мумкин.

Боғибаланд анжирларининг баъзилари уч юз ёшдан ошган. Машҳур "Бобурнома" асари муаллифи буюк давлат меҳнат қилмоқда. Боғбонларнинг сўзларига кўра, айни пайтда бу ерда 10 минг туздан ортиқ анжир дарахти бор. Боғ ҳудудида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, унинг Самарқанд вилоятидаги бошқармаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан бир неча йил аввал сайёҳлар маҳалласи ташкил этилган эди.

— Бизнинг вазифамиз анжир боғларини асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказишдир, — деди боғбонлар етакчиси Рустам Муинов. — Анжирларга ишлов беришда кимёвий воситалардан умуман фойдаланамиз. Ҳар йили кузда биз дарахтларни совуқдан ҳимоя қилиш учун кўмамыз. Анжирлардан ҳар йили 28 тоннага яқин мева оламиз. Бу самарқандликлар учун жуда кўп. Шу боис республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам маҳсулот етказиб берамиз.

Бу ерда ҳамма нараса сайёҳлар хизматида. Жумладан, агар кимдир паплов ёки бошқа таом тайёрламоқчи бўлса, эгалари қозон, учоқ ва олов ёқиш учун қуруқ ўтин билан таъминлайди.

— Кеча бизга Швейцария ва Россиядан сайёҳлар ташриф буюришди, — деди Р.Муинов. — Улар меваларни ўзлари теришни жуда яхши кўришар экан. Чунки бозордан анжир сотиб олсангиз, бундай завқни туя олмайсиз.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК КОРХОНА

Яқинда Каттақўрғон туманидаги Янгихаёт массивида йилига 3 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёдаги энг йирик цемент ишлаб чиқариш линияси "HENGYUAN CEMENT" ишга туширилди.

Лойиха Хитойнинг "ENERGY CHINA" энергетика гуруҳидан 351 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ҳисобига амалга оширилди. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур лойиҳа Ўзбекистон қурилиш саноатини зарур маҳсулотлар билан таъминлаш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби муҳим кенг қўламли вазифаларни ҳал этади.

— 38,5 гектар майдонда барпо этилган мазкур иншоотга Хитойдан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилган, — деди туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Жаҳонгир Сафаров. — Бу ерда кунига 7,5 тонна цемент ишлаб чиқариш режалаштирилган. Заводнинг йиллик экспорт қуввати 82 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Маҳсулотнинг 30 фоизини Европа ва дунёнинг бошқа мамлакатларига экспорт қилиш режалаштирилган. Корхонада цемент ишлаб чиқариш тўлиқ қаттиқ ёқилги — кўмирни ёқиш ҳисобида амалга оширилади. Бу энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имконини беради.

Янги корхонанинг ишга туширилиши, асосан, яқин туманларда истиқомат қилувчи 600 нафар қишлоқ аҳолисини доимий иш билан таъминлаш имкониятини яратди. Корхона ишчилари учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида комбинат ҳудуди ёнида ётоқхона, спорт майдончалари, маданият уйи қурилди.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан тадбиркорликнинг фаол қўллаб-қувватланиши, мазкур соҳа вакилларига кенг имкониятлар яратилиши, имтиёзлар берилиши натижасида Самарқанд иқтисодиётида ҳам ўсиш суръатларига эришилмоқда. Ўтган йил якунига кўра вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 5,9 фоизга ўсди.

Бунда саноатнинг улуши 1,8 фоизга, хизматлар соҳаси 1,5 фоизга кўлайди. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,9 миллион сўмга ошди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 4 триллион сўмга ёки 19,4 фоизга ўсди. Тадбиркорлар сони 18 фоизга ошиб, 61 мингдан ортиқни ташкил этди. Йил давомида 59 та қўшма корхона ташкил этилиб, уларнинг сони 750 дан ошди.

ЭЛ СУЙГАН ЭЛИБОЙ

Турмушимизнинг тўқин-сочинлигини таъминлаб турган энг улуг незмат — нон ана шу



бўлиб шартнома режасини удаладиқ. Қилган меҳнатларимиз мевасини бермоқда. Гектаридан 80 центнердан ҳосил олишга эришдик. Айни кунларда 45 гектар ердаги гўза парваршига ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Техника воситаларимиз етарли, ишчиларимиз тажрибали, улар учун далада барча шaroит яратилган. Ерларни меъёрида минерал ва маҳаллий ўғит билан озиқлантириб, сифатли сўғордик. Шу боис гўза ниҳоллари бақувват, яхши ривожланапти.

Инсон умри унинг яшаган йиллари билан эмас, қилган эзгу амаллари, меҳнати билан ўлчанади. 80 ёшдан ошган Элибой ака умрини деҳқончиликка бағишлади. У киши ўз фаолияти давомида қўллаб қайрилиш ишларни амалга оширди. Ўзи яшайдиган Оқмангит қишлоғидан 26 километр олинсда жойлашган манзилда хўжалик ишчилари учун 5 та дала шийони қуриб берди. Эски Анҳор каналига далани сўғориш учун насослар ўрнатилди. Маҳалла ҳудудидаги йўлларни таъмирлаш, беморларга мадад бериш, қийналган оилаларга ёрдам қўлини чўзиш ва бошқа қўллаб қайрилиш ишларини санаб адомига етиб бўлмайди.

Эл дардини ўз дарди деб билган Элибой ака бир неча бор вилоят кенгаши депутати сифатида ҳам жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди. Эл эътиборини қозонди. Унинг самарали меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб рағбатлантириб берилди.

Жумладан, у киши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор фахрий унвони, "Эл-юрт ҳурмати" орденлари билан тақдирланди.

Элибой ака деҳқончиликдан ташқари чорвачилик ва боғдорчиликни ҳам намунали йўлга қўйган. Фарзандлари Муҳиддин ва Аслиддин ҳам фермерликни давом эттириб, меҳнатдан бахт топиш шарафига мурасиб бўлиб келишаётди. Ахир инсон ҳаётининг мазмуни фақат рўзгор тебратиш, фарзанд улғайтириш эмас, балки давлат, мамлакат деб аталмиш улкан хонадонга фойда, наф қилтириш ҳамдир. Буни биз Элибой ака сингари фидойи инсонлар ҳаётида қўришимиз мумкин.

“ТАШАБУСЛИ БЮДЖЕТ” ЛОЙИХАСИ

Оқдарё туманида эса ҳудудий инвестиция дастурига асосан энг чекка "Жарқишлоқ" фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 90 ўринли мактабга таълим муассасаси учун янги бино қурилиши ниҳоясига етказилди. Объект қурилишида, асосан, маҳаллий хомашёдан фойдаланилди.

— Бу ерда 42 нафар ишчи томонидан ичимлик суви тармоғининг қувурларини ўрнатиш, сўлғи бўяш ишлари якунланди, — деди "Самарқанд Чинор қурилиш" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шерзод Эргашев. — Объектнинг умумий лойиҳа қиймати 4 миллион 189 миллион сўмни ташкил этади. Ҳудудни ободонлаштириш, манзарали дарахт кўчатлари экишга ҳам катта эътибор қаратилди.

Шу тумандаги "Оқдарё" фуқаролар йиғини ҳудудида "Ўткир сарбон сервис" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 3-мактабнинг 250 ўринли ўқув биноларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари ҳам тугалланди.

— Жамоамиз ва фуқаролар йиғини аҳли "Ташаббусли бюджет" дастурида овоз бериши натижасида умумий қиймати 1 миллион 130 миллион сўм бўлган мазкур лойиҳа билан қатнашиб қолиб чиқди, — дейди мактаб директори Манзура Ширинбоева. — Мактаб реконструкция қилиниши муносабати билан машғулотлар вақтинча яқин атрофда жойлашган касб-хунар таълими муассасаси биносига ўтказилди.

Шу тумандаги Алишер Навоий номидаги фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Даҳбед" кўчасида ҳам "Брик фактор" масъулияти

чекланган жамияти қурувчилари томонидан 747 хонадонли 5 қаватли ўн та уй бунёд этилди.

— Аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида биноларнинг биринчи қаватида савдо дўконлари ва бошқа хизмат кўрсатиш объектлари жойлаштирилди, — деди жамият раҳбари Маъмур Одилов. — Бинолар ҳовлисида болалар майдончалари, автотураргоҳлар қурилди. Шунингдек, бутун ҳудуд ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилди.

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида Самарқанд туманидаги "Қорасув" массивида 100 минг аҳоли яшайдиган шаҳарча қурилиши бошланган эди. Айни пайтда Қорасув кўркам аҳоли яшаш манзилига айланди ва бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 6 июни кунин Самарқандда Қатар амира билан ўтказган олий даражадаги учрашувидан сўнг Қорадарё бўйида 389 гектар ерда бунёд этиладиган "Ширин" массиви лойиҳаси билан танишиб, уни илғор шаҳарсозлик тажрибаси асосида такомиллаштириш, ижтимоий хизматларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Лойиҳага кўра, массивда кўп қаватли уйлар, мактаб ва болалар боғчалари, поликлиникалар, спорт майдонлари ва кўнгилочар масканлар бўлади. Йирик бизнес ва савдо мажмуалари қурилади. Массивни шаҳар билан боғловчи кўприк ва йўллар, инфратузилма ва коммуникация тармоқлари барпо этилади. Бу ишлар, албатта, вилоят иқтисодиёти барқарорлиги билан амалга оширилади.

“ҲОКИМ ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ АЪЗОСИ...”

Статистик маълумотларга кўра, Жомбой тумани яшил ҳудудда жойлашган бўлиб, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича вилоятда Самарқанд шаҳридан кейин иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Хўш, туман меҳнат аҳлининг кейинги йилларда барча соҳаларда эришаётган бундай ютуқларининг сабаби нимада?



— Сабаби оддий. Бу ерда ҳеч ким Американи кашф қилгани йўқ. Фақат сўнгги йилларда айрим маҳаллий раҳбарлар томонидан уриш, дўқ-пўписи билан ишлашга ўрганиб қолган одамларга яхши муомала қилиб, уларни тўғри йўналтириш, уларга амалга оширилаётган ишлорлар мазмун-моҳиятини тўғри тушунтириш кифоя қилаятми, — деди туман ҳокими Қайом Собиров. — Бугунги раҳбар аҳоли нимадан норозилигидан, жойларда қандай муаммолар борлигидан, уларни қандай ҳал қилишдан хабардор бўлиши керак. Арз билан келувчиларни салқин кабинетидан кутиб ўтирмай, ўзи уларнинг олдига бориши, одамлар билан жойида учрашиши, барча масалаларни зудлик билан ҳал қилиши керак.

Айтиш жоизки, Қ.Собиров ҳоким бўлган илк кунлардан оқ бу тартиб-қоидаларга ўзи қатъий амал қилади, қўпроқ халқ орасида бўлади, уларни тинглайди, оқсоқоллар билан маслаҳатлашади.

— Ҳокимимиз иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ишлари билан бир қаторда таълим, фан ва маданиятдан ҳам яхши хабардор, бадий ижод билан шугулланади, ҳикоя ва қиссалар ёзади, — дейди "Жомбой тонги" газетаси муҳаррири Исомиддин Пулатов. — Қ.Собиров ҳаттоки тумандаги ижодий тўғаракларнинг машғулотидаги боришга, ёш истеъдод соҳибларига маслаҳат беришга ҳам вақт топади. Ҳокимимиз ҳозирча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлган республикадаги ягона раҳбардир. Юқори ички маданияти туфайли катта ва кичикка "сиз" деб мурожаат қилади. Ҳеч кимни хафа қилмайди.

МАШҲУРАНИНГ МАШҲУР ГУЛЛАРИ

Машхура Иноятуллоева асли Жомбой туманининг "Тўт" маҳалласидан. Унинг отаси хунарманд эди. Онаси ҳамшира бўлиб ишлаган бўлса-да, иш жойида эрининг олдига бориб, бўш вақтларида унга ёрдам беради. Шундай қилиб, улар тўрт фарзандни тарбиялаб воёга етказишди.

Оилада катталарнинг меҳнатга бўлган муносабати болалар тарбиясига ҳам ижобий таъ-



сир қилди. Машхура болалигидан гул ясашга меҳр қўйди. Ана шу иштиёқ туфайли қўшни "Журият" маҳалласига келин бўлиб тушганидан сўнг бекор юролмади. Турли хомашёлардан сунъий гуллар ясашни ўрганди. Ёш келинчақ ҳалол меҳнати эвазига қишлоқдошлари ўртасида обрў-эътибор қозонди.

Ҳозир Машхура уч фарзанди билан туғилган кун, туй, турли байрамлар учун уйда чамроғли гуллар ясайди. Махсулотлар жуда ҳам ёнбон.

— Қишлоқ шароити шаҳарникига ўхшамаслигини инобатга олиб, маҳсулот сифатига путур етказмаган ҳолда гулларимиз нархини илоҳи борица арзонроқ қилишга интиламиз, — деди М.Иноятуллоева. — Оила бюджетига ҳисса қўшаётганимдан хурсандман. Менинг учта шогирдим бор. Имтиёзий кредит олиб, етти нафар хотин-қизни шу соҳага ўргатмоқчиман. Шунда фаолиятимиз янада кенгайди.

ВИЛОЯТДА ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИ 6 ФОИЗГА КАМАЙДИ

Қайд этиш жоизки, вилоятнинг олис қишлоқлари, маҳаллаларида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида вилоятда ишсизлик даражаси 6 фоизга камайди. Жорий йилда ушбу кўрсаткичларни янада яхшилаш борасида тегишли дастурлар асосида иш олиб боришмоқда.

Кейинги икки йилда ишлорлар жараёни билан танишиш, шунингдек, бир қатор халқаро форумлар ва олий даражадаги учрашувлар ўтказиш учун вилоятда бўлган Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанднинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан муҳим вазифаларни белгилаб берди ва бу вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Хусусан, туризмни вилоят иқтисодиётининг асосий драйверларидан бирига айлантириш мақсадида бу ердаги муқаддас қадамжоларни обод қилиш, буюк аждодларимиз маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги ишлар натижасида Самарқанд халқаро аэропорти модернизация қилинди, эшак эшиш канали атрофида кўп тармоқли туристик марказ бунёд этилди, Имом Бухорий мажмуаси реконструкция қилинмоқда. Бу жараёнда инфратузилмани янгиллаш, замонавий турар жой массивлари бунёд этиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 200 гектардан ортиқ майдонда бунёд этилган "Silk Road Samarkand" туристик маркази қисқа фурсат ичида Самарқанднинг янги туризм дарвозаси сифатида танилди.

ҚЎРҒОННИНГ МАЙИСИ ЭНДИ ХИТОЙГА ЖЎНАТИЛАДИ

Яқинда Хитой давлатидан Қўшработ туманига бир гуруҳ инвесторлар ташриф буюриб, туманнинг иқлими, табиий муҳити билан яқиндан танишиш, туманга инвестициялар олиб кириш мақсадида жойларда ўрганиш ишларини олиб боришди.



Дастлаб хитойлик инвесторлар Қўшработ туманининг "Хонназар" маҳалласида жойлашган "Қўшработ ТЗБ" МЧЖ томонидан амалга оширилаётган амалий ишлар билан яқиндан танишди. МЧЖ раҳбари Салимжон Мавлонов ушбу МЧЖ томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва хорижга экспорт қилиш борасида юқори натижаларга эришиб келинаётганлиги, эндиликда эса Қўшработ тумани ҳудудида жойлашган эркин иқтисодий зонасида ажратилган ерда 13 млн доллар эвазига қайта ишлаш заводи ва фабрикалар қуриш режалаштирилганлигини маълум қилди.

Хитойлик инвесторлар, шунингдек, Қўшработ туманининг "Қўрғон" маҳалласида жойлашган "Оқтепагаз" фермер хўжалиги томонидан хорижга экспорт қилинаётган майис навларини кўздан кечиришди. Фермер хўжалиги раҳбари Бозорбой Худойқулновнинг таъкидлашича, айни вақтда 15 киши доимий меҳнат қилаётган хўжаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва қуруқ меваларни қадоқлаш орқали хорижга экспорт қилиш кўрсаткичи йилдан йилга ўсиб бормоқда. Ушбу фермер хўжалиги ва хитойлик инвесторлар ўртасида 5 млн долларлик шартнома имзоланди.

Тадбиркорлар ҳамда фермерлар хитойлик инвесторлар билан соҳалар кесимида ўзаро тажриба алмашиш асосида улар билан истиқболли режалар тузиб, аниқ чора-тадбирлар белгилаб олишди.

Ёрмат РҲСТАМОВ

Бахтиёр МУСТАНОВ ва Соҳиб САЙФУЛЛАЕВ олган суратлар.

ЖАҲОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

Қозоғистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг мунтазам мулоқоти ҳақида

Қозоғистоннинг етакчи ОАВлари Ўзбекистон билан икки томонлама муносабатлар ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда

“Казинформ” халқаро ахборот агентлиги кунги кеча икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган таҳлилий мақолани эълон қилди. Унда икки давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқоти Қозоғистон-Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

“Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари 1998 йил 31 октябрда тузилган Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги Абадий дўстлик тўғрисидаги шартномадир. Шунингдек, 2013 йил июнь ойида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2022 йил декабрида эса Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди”, — дейилади агентлик тарқатган материалда.



лакат аҳолисининг қарийб 10 фоизи томоша қилиши маълум қилинган. Шунингдек, икки давлат ўртасида очилган янги ҳаво қатновларига эътибор қаратилган.

“Қозоғистон ва Ўзбекистон ўз олдига товар ай-ирбошлаш ҳажмини 10 миллиард долларга етказишни мақсад қилиб қўйган. Ушбу мақсадга эришиш учун томонлар товарлар таркибини кенгайтириш ва савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни тизимли равишда бартарарф этиш чораларини қўришга келишиб олдилар. Саноат, энергетика, транспорт-логистика, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда”, — дейилади мақолада.

Нашрда, шунингдек, Қозоғистон ва Ўзбекистон ўр-

тасидаги муносабатлар кун тартибига амалда барча мумкин бўлган йўналишлар киритилгани алоҳида урғуланган. Энг муҳими, барча мавжуд масалалар бўйича қарорлар ўзаро манфаат ва барқарор ривожланишни таъминлаш мезони асосида қабул қилинади.

Мақолада Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти (СМТИ) директори Элдор Ариповнинг ушбу сиёсий мулоқот институционал асосга эга бўлгани — Олий давлатлараро кенгаш тузилгани, таширф давомида унинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтиши ҳақидаги фикрлари ҳам ўрин олган.

“Қозоғистон ва Ўзбекистон энг муҳим савдо шерикларидир. Ўзбекистон учун Қозоғистон ҳам-миша учта йирик савдо-иқтисодий шериклардан бири бўлиб келган, шу боис таширф натижасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада фаоллашти-риш бўйича янги келишувларга эришилади. Қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишларга янги сурият бағишлайди”, — дея СМТИ ди-ректори фикрларидан иқтибос келтирилган манбада.

Ушбу мамлакатдаги оммабоп “24KZ” янгиликлар канали эса, ўз навбатида, Қозоғистон Миллий музе-йида очилган ўзбек рассомлари асарлари кўргазмаси ҳақидаги хабарни ўз ўқувчилари ўртасида тарқатди.

Пойтахт Миллий музейига Ўзбекистоннинг 200 га яқин рангтасвир ва халқ амалий санъати асарлари жойлаштирилди, деб маълум қилган канал.

“Ўзбекистонлик уста ва рассомларнинг уч авлоди ижоди кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Кўр-газма кенг қўламли жанр ва техникаларни қамраб олади: анъанавий миниаюрорадан тортиб, замона-вий санъатгача. 8 августга қадар давом этадиган кўргазма қозоғистонликларга Ўзбекистоннинг ма-даний ва тарихий анъаналари билан яқиндан тани-шиш имконини тақдим этади”, — деб ёзган янгилик-лар канали.

“24KZ”, шунингдек, Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Ўзбекистон кинеси кунлари бошлангани ҳақида хабар берди. Томошабинлар учун машҳур ав-тобиографик фильмлар ва замонавий кинолар тай-ёрланди. Намойишлар “Mega Silkway” киносаройида бўлиб ўтади ва унга кириш bepул.

“Қозоғистондаги Ўзбекистон кинеси кунлари ҳар йили ўтказиладиган тадбирдир. Бундай маданий тад-бирлар икки мамлакат ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантирмоқда. Масалан, Қозоғистон ва Ўзбеки-стон режиссёрлари ҳамкорлиқда “Мерос” ва “Абай” фильмларини суратга олишган. Кино ижодкорлари Марказий Осиёдаги йирик фестивалларда ҳам таж-риба алмашади. Касбий алоқалар ҳам кинематогра-фия соҳасида ҳамкорлик меморандуми билан мус-таҳкамланган”, — дейилади мақолада.

Нашрда мамлакатларимиз ўртасидаги кино соҳа-сидаги ҳамкорлик бу билан чеклиниб қолмаслиги таъкидланган. Ижодий гоёларни ҳаётага таътиб этиш бўйича олдинда кўплаб режа ва гоёлар турибди, деб маълум қилинган материалда.

Мақола якунида, “Остоналиклар Қозоғистондаги Ўзбекистон кинеси кунлари доирасида намойиш эти-ладиган “Яша, хотин!” комедиясини bepул томоша қи-лиш имкониятига эга”, — деб ёзган портал.

“Дунё” АА

ХОРИЖ

ГЕРМАНИЯ ВА ЭРОН РАҲБАРЛАРИНИНГ МУҲОКАМАСИ

Германия канцлери Олаф Шолц Эрон президенти Масъуд Пезеш-киён билан телефон орқали мулоқот қилди.

Германия ҳукумати мат-буот котиби ўринбосари Волфганг Бюхнернинг ёзма баёнотига кўра, канцлер Шолц Яқин Шарқда мин-тақавий тўқнашув хавфидан хавотирда эканлигини бил-дирган.

Шолц президент Пезеш-киёни ҳарбий таранглик-нинг янада кучайишига йўл қўймаслик учун қўлидан келган барча ишни қилишга чақирган ва Яқин Шарқдаги зўравонлик спиралини зудлик билан тўхтатиш кераклигини айтган. Унинг сўзларига кўра, акс ҳолда, минтақа мамлакатлари ва халқлари учун сон-са-ноқсиз хавф-хатарлар юзага келади.



ЭНГ КАТТА ЮК ТАШУВЧИ ДРОН

Хитойда дунёдаги энг катта юк ташувчи дрон синовдан ўтказилди, деб хабар беради “Reuters”. Учувчисиз бошқариладиган учши қурлмасининг қанотлари кенглиги 16,1 метрни, баландлиги эса 4,6 метрни ташкил этади.

Мазкур дрон Хитой ҳу-кумати томонидан молия-лаштирилаётган “Sichuan Tengden Sci-tech Innovation Co.” компанияси томонидан ишлаб чиқилган. “Tengden” томонидан яратилган учув-чисиз бошқариладиган учши аппарати дунёдаги энг машҳур енгил самолёт — тўрт ўриндикли “Cessna 172” дан бироз катта”, — дейилади хабарда.

Таъкидланишича, дроннинг синов парвози 20 дақиқага яқин давом этган. Ёз фаслининг бошларида ҳам хитойликлар яна бир юк ташувчи дронни си-новдан ўтказганди. У — “AVIC” компаниясининг “НН-10” учувчисиз бошқари-ладиган учши аппарати. Қурилма 700 килограммга яқин юкни 520 километр радиусга таший олади.



“АСР ЗИЛЗИЛАСИ”ГА ТАЙЁРГАРЛИК

Япония ҳукумати мамлакатда сўнги юз йилликдаги энг йирик зилзила юз беришига тайёрланмоқда. Бу ҳақда маҳаллий япон нашр-ларига таяниб, “CNN” хабар берган.

Манбада айтилишича, жорий йилнинг 8 август кунги Япониянинг ғарбий қисм-ларида рўй берган зилзила ҳукумати сейсмология ху-лосаларига янада жиддий диққат қаратишга ундаган. Мутахассислар сўнгги зил-зила ўта йирик ер қимир-лаши мумкинлигига би-ринчи ишора эканини тах-мин қилишмоқда.

Мамлакат жанубий префектураларида аҳолидан фавқуллода вазиятга тайёргарлик қўриш сўралган. Зилзила исталган вақтда рўй бериши, у ўзи билан цунами олиб келиши мумкинлиги давлат телеканалларида кўп бора айтилган.

Мамлакат миқёсида яқинлашиб келаётган хавф туфайли поездлар ҳа-ракати секинлаштирилган. Оммавий тадбирлар чекланган. Фуқаролардан тоғли худудларга саёхатларни кечиктириш сўралган.



ПРЕЗИДЕНТЛИКДАН ВОЗ КЕЧИШИ ЭВАЗИГА... АМНИСТИЯ

Оқ уй махфий музокаралар давомида Николас Мадурога амнистия эвасига Венесуэла президенти лавозимидан иштиёрий равишда воз кечиши таклиф қилди. Бу ҳақда номи ошкор этилмаган манбаларга таяниб, “The Wall Street Journal” (WSJ) хабар берган.

Қўшма Штатларда Ма-дуро ва унинг юқори марта-били шериклари гиёҳванд моддалар савдоси, хусу-сан, АҚШга кокаи олиб ки-ришда иштирок этганликда айбланган.

Нашр манбаларига кўра, АҚШ президенти Жо Бай-ден маъмурияти Мадурога экстрадиция қилиш мақ-садида жиноий жавобгар-ликка тортилмаслик кафолатини ҳам тақдим этишга ваъда берган. Бундан ташқари, Қўшма Штатлар Мадурога 2023 йилда Доҳадаги махфий музо-каралар чоғида худди шундай шартларда амнистия таклиф қилган. Бироқ ўшанда Венесуэла президенти ҳокимиятдан муддатидан аввал воз кечиш шартларини муҳокама қилишдан бош тортган ва шундан бери унинг пози-цияси ўзгармаган. Аксинча, Николас Мадуро АҚШдан “Венесуэланинг ички ишларига аралашмаслигини” сўраган.

ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМОҚДА

Урушда тинч аҳоли, маҳбустлар ва яраланган аскарларни ҳимоя қи-лиш бўйича дунёнинг энг машҳур қоидалар тўплами — Женева кон-венцияси қабул қилинганлигига 75 йил тўлди, бироқ у эътибордан четда қолмоқда, дея “Al Arabiya” хабар берган.

Нашрга кўра, хусу-сан, Ғазо, Сурия, Украина, Мьянма ва ундан ташқарида мазкур конвенция бўйича иш юритилмаяпти. Конвен-ция ҳимоячилари халқаро гуманитар ҳуқуқни ҳурмат қилишга чақирмоқда.

1949 йил 12 августда қабул қилинганидан буён дунёнинг деярли барча дав-латлари томонидан тан олинган Женева конвенцияси қуролли гуруҳлар ва миллий қучлар мунтазам равишда уруш қоидаларини бузаётгани сабабли ўз аҳамиятини йўқотмоқда. “Халқаро гуманитар ҳуқуқ зўравонлиқни оқлаш учун босим остида қол-моқда, эътибордан четлаштирилмоқда, бузилмоқда”, деган конвенцияларни назорат қилувчи Халқаро Қизил Хоч қўмитаси (ХҚХҚ) президенти Мирьяна Шполярич.



Интернет маълумотлари асосида Ислон ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ОЛИЖАНОБ КАМТАРЛИКНИНГ ОЛИЙ МАҚОМЛАРИ

1-6.

Бу ўзбек спортчиларининг, олимпиадада Ўзбекистон бай-роғи баланд кўтарилиб, мадҳия-миз дунёга таралишига сабабчи бўлган чемпион йигит-қизларимизнинг табиий, сам-имий, гўзал камтарлиқларидир.

Ижтимоий тармоқларда, айниқса, дзюдо бўйича афсонавий енгилмасдай ном қозонган Уте Абе-нинг елкасини (япон спортчисининг ўз услубида) ерга теккизиб, Янги Ўзбекистоннинг катта спор-тида янги саҳифа очган, курашнинг бу тури бў-йича тарихимизда биринчи чемпион бўлган Диёра Келдиёрованинг юз-кўзлари ифодаси, нигоҳлари, ўзини тутиши, гапларининг оҳангию маъносини, кўз-ларидаги қувонч ёшларига... ҳатто енгилши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмай татамига тушиб, рақибнинг қўли баланд келганда, мағлуб-лик юкни кўтаролмай бор овози билан дод-вой қилган рақибининг изтиробларини ҳам қалбига яқин олиб, журналистлардан унинг шаънига ўрин-сиз гаплар айтмасликларини сўраши... Диёранинг ўзбекона фазилатларининг ҳамма-ҳаммаси дунё афкор оммасини мафтун этди. “Ҳақиқий чемпион ким эди?” деб қўйган саволига ўзи: “Ғолиблик шоҳ-супасида, кўпчилик орасида, берган интервьюла-рида камтару камсуқумлиги, инсонийлиги билан барчани мафтун этган Диёра ҳақиқий чемпион эди”, — деб жавоб берди чет эллик спорт ишқибоз-ларидан бири.

Исмию жисмига монанд Баҳодир Жалоловнинг беллашувлардан холи пайтларда бошига кийиб юрган Марғилон дўпписининг ярашганини айтмай-сизми? Йўқ, у миллийликни вақтинча намоён этиш

учун эмас, дил-дилидан хоҳлаб, ўзига лойиқ ва му-носиб дўппини танлаб олгани шундоқ кўриниб ту-рибди (бу нозик жиҳатни биз, дўппи тикиб улғай-ган марғилонликлар яхши биламиз). Ижтимоий тармоқларда, жаҳон ахборот воситаларида унинг ҳаёт йўли, ғалабалари ҳақида айтилиган, ёзил-ганлар йиғилса, қанча китоб бўларкин? Афсона-вий Тайсонга тенглаштирилиб, айрим ихлосманд-лар томонидан ундан ҳам юксак таърифу мақомга лойиқ қўрилган бу пахлавон йигитнинг ҳамма би-лан мулоқоту суҳбатларда, ҳатто ўзини олқишлаб, табриклар турган миллиардлаб мухлислар қар-шисида ҳам икки қўлини кўксига қўйиб, самимий ва ишонч билан боқиб туриши олижаноблик ва камтарлиқнинг инсонийлик шоҳсупасига кўтарил-гани эмасми?!

Ўзи эркак бўла туриб, аёлликка даъвогарлиги ҳамда олимпиада қўмитаси ташкилотчиларининг ноҳилисликлари билан майдонга тушган хитойлик Линь Юйтин билан ўзбек курашчиси Ситора Тур-дибекова жангиде ғалаба ҳақамлар томонидан хи-тоийликка берилган бўлса-да, минг-минглаб мух-лислар бу адолатсиз курашда ўзбек қизининг ори-яти ғолиб бўлганини кўриб, эътироф этдилар...

Яна бир ажойиб воқеа: маълум сабаблар боис олимпиада кунлари Парижда тренери учиб бо-ролмай қолган қирғизистонлик боксчи Мунар-бек Сейидбек ўғлига ўзбекистонлик Акмал Ҳаса-нов секундантлик қилиши, муҳим йўл-йўриқлар кўрсатиши; Мунарбекнинг ярим финалгача кўта-рилиши учун руҳий мадад, маслаҳатлар бериши ҳам овоза бўлиб кетди. Мунарбекнинг ютуқлари-дан Акмалжоннинг қувониб сакрашлари ҳақиқий

Мухтарома УЛҲОҒОВА

ПАРИЖДАГИ ВАЗИФА АНИК ЭДИ!

Олимпиячиларимиз вазифани шараф билан бажаришди!



1-6. Бироқ бунга бувиси Гулсара момо ишонди. Узи набирасини тарбиялади, спорт ўйинларига қизиқтирди, шуғуллантирди (шунинг учун Диёра “Бувисининг қизи” номини олган). Олти ёшида Жумадаги болалар ва ўсмирлар мактабига етаклаб борди, дзюдо тўғраги мураббийи Хурида Холиқовага топширди. Мураббийга Диёранинг машғулотлар пайтидаги тиришқоқлиги ёқди ва мусобақаларга қатнаштира бошлади. 2015 йили Диёра ёшлар ўртасида Ўзбекистон биринчилигида ғолиб чиққанини бувиси кўрмади...

Диёра бувисининг руҳини шод қилиш учун дзюдо билан янада қаттиқроқ шуғулланди, катталар ўртасида Ўзбекистон, Осиё чемпиони бўлди, Осиё ўйинларида ғолиб чиқди, жаҳон чемпионати, “Улкан тож” мусобақаларида совринли ўринларни эгаллади. Дзюдочилар орузси бўлган “Улкан тож”ни ҳам кўлга киритди. Унинг спортда эришгаётган муваффақиятлари муносиб баҳоланди: “Келажак бунёдкори” медали, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи” унвони билан тақдирланди.

Ҳалабанинг ғалабадан фарқи бор. Диёранинг Париж олимпиадасидаги рақиблари Олимпия чемпионлари, олимпияда ва жаҳон чемпиони таковиндорлари эди. Яъни шу вазнда улардан бошқа зўри дунёда йўқ. Кескин ўтган жангларда Диёра ажойиб усуллар ишлатиб барча рақибла-

ридан устун келди, миллий курашимиздан озик олган ўзбек дзюдо мактаби жаҳонда ўз ўрнига эга эканлигини исботлади. Шу боис Диёранинг ғалабаси дунё ахлида ҳайрат уйғотди. Барча Диёрани самимий қутлади. Биринчилардан бўлиб хорижликлардан табриклаганлар орасида Япониядаги шахар ҳокими (ҳолбуки, унинг номдор юртдоши ҳам Диёрага ютқазганди), Англия элчиси ва бошқа арбоблар ҳам бор. Халқаро Олимпия кўмитаси расмийлари эса Лозаннадаги Олимпия музейига қўйиш учун Диёранинг финалда кийган кимоносини олишди. Хурмат-эҳтиромлар давом этади, мақолалар ёзилади, асарлар яратилади. Диёра Келдиёрованинг ғалабаси ана шундай эъзозларга, ардоқларга арзийдиган БУЮК ҲАЛАБА!

Кўш ғолиблик қувончи

Америкалик сузувчи Майкл Фелпс 23 карра Олимпия чемпиони ҳисобланади, яна унинг 3 та қумуш, 2 та бронза медали ҳам бор. Санайверсак, номдор олимпиячилар кўп. Париж олимпиадасида франциялик сузувчи Леон Маршан 4 карра Олимпия чемпиони бўлган, кўшимчасига битта бронза медалини ҳам кўлга киритган. Биз ўзбек фарзандининг икки карра Олимпия чемпиони бўлишини 24 йил кутдик. Халқимизнинг

бу орузси шу йили Париж олимпиадасида ушалди.

(Кимдир Доғистондан келган легионер спортчи Артур Таймазов эркин кураш бўйича мамлакатимиз номидан уч карра Олимпия чемпиони бўлган дея лўқма ташлар. Халқаро Олимпия кўмитаси қайта текширувда Таймазов таҳлил учун топширган қонда тақиқланган моддалар бўлгани (яъни допинг қоидаларини бузгани) учун 2008 ва 2012 йилги олимпиадалардаги чемпионлигини бекор қилди ва ундан олимпиада олтин медалларини қайтариб олди. Таймазовда фақат 2004 йилги Афина олимпиадасидаги чемпионлиги қолган).

Барчамиз Ўзбекистон фарзандининг Париж олимпиадасида икки карра Олимпия чемпиони бўлишини ишонч билан кута бошладик. Токио олимпиадасида чемпион бўлган Улугбек Рашитов таэквондонинг 68 кг вазнида даянга кўтарилди. Рақибларини бирин-кетин мағлубиятга учратди ва Улугбек Рашитов Париж олимпиадаси чемпиони — икки карра Олимпия чемпиони бўлди!

Кўпчилик бокс мухлислари 51 кг вазнда рингга кўтарилган Ҳасанбой Дўстматовнинг ҳар бир жангини ҳаяжон билан кузатиб боришди. Ҳасанбой 2016 йилги Рио олимпиадасида чемпион бўлганди. Орадан саккиз йил ўтган бўлишига қарамай, у рингда жангвор ҳаракат қилди ва рақибларини катта устунлик билан енгди. Ҳасанбой Дўстматов ҳам Париж олимпиадаси чемпиони — икки карра Олимпия чемпионлигини кўлга киритди.

Ҳеч биримиз оғир вазнли боксчимиз Баҳодир Жалоловнинг ғалабасига шубҳа қилмагандик. У Токио олимпиадасида чемпион бўлгандан кейин ўтган йиллар давомида қатнашган барча мусобақаларида ғолиб чиққанди. Бу шонли анъанани Парижда ҳам давом эттирди. Баҳодир Жалолов ҳам Париж олимпиадаси чемпиони — икки карра Олимпия чемпиони бўлди!

Президентимиз икки карра Олимпия чемпиони бўлган бу спортчиларимизни ҳам телефон орқали табриклади ва уларга бундан кейинги нуфузли мусобақаларда ҳам ғалабали анъаналарини давом эттиришларини тилади. Ишончимиз комил, бу унутилмас ғалабалар ўзбек фарзандлари эришадиган катта муваффақиятларнинг бошланиши. Уч карра, беш карра Олимпия чемпионлиги нима бўпти, ҳали ўзбек фарзандлари дунё ахлини лол қолдириб, кўп бора Олимпия чемпионлари бўлажак!

Олимпиада совриндорлари элда азиз!

Ҳар тўрт йилликнинг нуфузли мусобақаси ҳисобланадиган олимпиадада дунёдаги зўрларнинг зўри, кучлиларнинг кучлиси, эҳчилларнинг эҳчили бўлган иродаси мустаҳкам спортчилар медаллар учун курашади. Мурасасиз курашларда олимпиада медалини олиш осон эмас. Тўғри, ҳар бир олимпиада медали умрга татийдиган қувончли лаҳзаларни ҳада этади. Лекин ҳар бир медал ортида спортчининг узоқ йиллик машаққатли меҳнатлари, ҳаяжон-изтироблари бор. Шу боис олимпиада совриндорлари элда азиз. Келинг, ҳурмат-эҳтиром билан Париж олимпиадасида совриндор бўлган спортчиларимизни номна-ном эслайлик.

Боксчиларимиздан Абдумалик Халоков (57 кг вазн тоифасида), Асадуллоҳ Мўйдинхўжаев (71 кг) ва Лазизбек Муллажонов (92 кг) Парижда Олимпия чемпиони унвонига сазов бўлишди. Юртимиз шаънини, ўзбек бокс мактаби номини улуғлаган чемпионларимизга Ҳасанбой Дўстматов, Баҳодир Жалоловнинг ғалабали йўлини давом эттиришига тилакдошимиз. Эркин курашнинг 74 кг вазн тоифасида Разамбек Жамолов (асли доғистонлик) медаллар жамғармаларига олимпиада олтин медали билан ҳиссасини қўшди. Бу олтин медал жамғармамизда ҳеч қачон жамолини йўқотмайдиган, деган умиддамыз.

Оғир атлетиканинг 102 кг вазн тоифасида Акбар Жўраев ва таэквондонинг 67 кг вазн тоифасида Светлана Осипова Париж олимпиадаси қумуш медали совриндорлари! Биз Токио олимпиадаси чемпиони Акбар Жўраевдан фақат ғалаба кутгандик. Унга бироз омад етишмади. Аммо Акбарнинг келгуси олимпиадада икки карра Олимпия чемпионлари қаторидан ўрин олишига ишонамиз.

Светлананинг ҳар бир жангини ҳаяжон билан кузатдик, қўллаб-қувватлаб турдик дейишимиз кам, гўё у билан бирга жанг қилдик. Бироқ, қумуш билан қаноатландик. Истагимиз, келгуси мусобақаларда Светлананинг қумуши олтинга айлانسин, дилларимизга янада ойдин нурлар таратсин.

Дзюдонинг 100 кг вазн тоифасида Музаффарбек Тўрабоев, энг оғир вазнида Алишер Юсупов ва эркин курашнинг 57 кг вазн тоифасида Ғуломжон Абдуллаев, олимпиада медалини олиш учун охиригача курашганингиз учун ташаккур! Асабий кечган курашларда иродангизга таяндингиз ва ҳақли

равишда бронза медали совриндори бўлдингиз. Сизнинг олимпиада бронза медали учун жон-жаҳдингиз билан курашганингиз ҳамон кўз олдимизда. Айниқса, Алишернинг япониялик басавлат Тацури Саитони татамига қандай ағдарганини унутиб бўладими?!

Муҳтарам олимпиада совриндорлари! Олимпиада тугади, вақти келиб ҳаммаси унутилади, дея ўйланган. Сиз кўлга киритган олимпиада медаллари юртимиз, спортимиз тарихидан, халқимиз қалбидан абадий жой олди. Энди бу медаллар сизни халқимизга эслатиб тураверсади.

Ким юрт учун медал олма — мендурман ўшал!

Ҳозир олимпиада ҳавоси билан нафас олаётганимиз учун атоқли шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг машҳур мисрасини бироз ўзгартирдик. Чунки спортчи олимпиадада, аввало, юрти шаъни, ўзининг спортчилик ори учун майдонга тушади. Бундай эзгу эътиқодга содиқ спортчилар эса, албатта, олимпиада медалига сазовор бўладилар.

...Олимпиада баҳсларида жамоавий спорт турлари кўп. Айталик, футбол, волейбол, баскетбол, гандбол, суё полосу... Пляж волейболи учун икки нафар маҳоратли волейболчинини топиш осонроқ. Стритбол (баскетбол 3х3) учун уч нафар эҳчил баскетболчинини жалб этиш қийин. Ўйлашимизки, келгуси олимпиада баҳсларида ана Ватанимиз вакиллари ана шундай жамоавий спорт турларида ҳам юксак натижаларга эриша оладилар. Бунинг учун эса Ўзбекистонда иқтидорли ёшлар кам эмас. Фақат уларни тайёрлаш, тарбиялашга янада эътибор қаратиш зарур бўлади.

Париж олимпиадаси ҳам тарих саҳифасидан жой олди. Энди олимпиадага тайёргарлик ишларини, эришилган натижаларни ҳолис таҳлил қилиш, келажак режаларини янада баландроқ олишимизга шубҳа йўқ.

Эндиги вазифа — “Лос-Анжелес-2028” олимпиадасига тайёргарлик ишларини жадаллаштиришдир. Негаки, бўлгуси олимпиадада Париж олимпиадасидан куйроқ натижа кўрсата олмаимиз, тўғрироғи, бунга ҳаққимиз йўқ. Ҳозирдан жамоавий спорт турларида ҳам кўпроқ олимпиада лицензиялари олишига эътиборимизни қаратайлик. Чунки олимпиада юртимизга қўша-қўша медаллар тақдим қилиб, Ўзбекистонимизнинг салохиятини дунёга намойиш этадиган ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасидир!

Асрор МЎМИН,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

МАШҒУЛОТ

ГЕНДЕР — ТАЪСИРЧАН ЖУРНАЛИСТИКА

“Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни ОАВларда қандай ёритиш керак” мавзусида тренинг бўлиб ўтди




Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистоннинг янги тахрирдаги Конституциясида ҳам хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқи ва манфаатлари алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, Конституциянинг 42 ва 58-моддаларида аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, улар учун муносиб турмуш ва иш шaroитларини яратиш ҳамда хотин-қизларга жамиятнинг барча жабҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминланиши назарда тутилган.

Жорий йилнинг 7-9 август кунлари Тошкент вилояти “Edelweiss” меҳмонхонасида USAIDнинг Ўзбекистондаги Ҳуқуқий ислохотлар дастури ва Замонавий журналистикани ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда “Гендер – таъсирчан журналистика. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни ОАВларда қандай ёритиш керак” мавзусида амалий машғулот ташкил этилди.

Республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 20 нафар медиа соҳа вакиллари ҳамда ёш журналистларга гендер масалалари ва унга боғлиқ воқеаларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш мезонлари, гендер муаммоларини ёритишда профессионаллик, этика меъёриларига риоя қилиш, жамиятда содир бўлаётган жараёнлар юзасидан гендер-сезгирлик билан материаллар яратиш, ҳуқуқий манбала билан ишлаш ва фактчекнинг бўйича назарий ва амалий тушунчалар берилди.

Икки кунлик тренинг машғулотлари малакали тренер, юристлар ҳамда соҳа экспертлари томонидан интерактив шаклда олиб борилди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, бу иштирокчиларнинг Ўзбекистоннинг ген-



дер-ҳуқуқий тизими ҳақида хабардорлигини ошириш, рақамли технологияларнинг ривожланиши ва ижтимоий тармоқларнинг кенгайишини ҳисобга олган ҳолда аёлларга нисбатан зўравонликнинг асосий турлари ва шаклларини аниқлаш, хотин-қизларнинг ОАВдаги қиёфаси ва стереотипларини бартараф этишда телевиденининг ролини ўрганиш, гендер-таъсирчан ва гендер тенглик нуқтаи назаридан батафсил таҳлил қилинган материалларни тайёрлаш маҳоратини оширишдан иборат эди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни халқаро ташкилот ва ҳамжамиятлар ҳам эътиборининг йиллик ҳисобот ва маърузаларида эътироф этмоқда. Жумладан, 2023 йилда Ўзбекистон Очiq гендер маълумотлар индексида 69,7 балл билан жаҳондаги энг яхши 20 та давлат қаторига киритилди.

Албатта, бундай эътирофга арзигулик сабаблар бисёр. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда хотин-қизлар сони 18 миллион 274 минг 800 нафар, яъни жами аҳолининг 49,7 фоизини ташкил қилмоқда. Аёлларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги 2023 йилда 76,9 ёшга етди.

Таққослаш учун, бу кўрсаткич 2020 йилда 75,5, 2021 йилда 75,8, 2022 йилда эса 76,6 ёшга ташкил қилган.

Мамлакатимизда хотин-қизларни замонавий билимларга ўргатиб, қизиқишлари асосида им-



кониятлар яратиш ишлари ҳам жадаллашди. Хусусан, АКТ соҳасида ҳам қизларнинг сони ортомоқда. Буни “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида таълим олган ёшларнинг 47 фоизи, яъни қарийб ярмини қизлар ташкил этганидан ҳам кўришимиз мумкин.

Бу имкониятлар ўз навбатида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлашни таъминлайди. Бу уларнинг тўлиқ таълим олиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларга қизиқишини орттириб, малакали мутахассислар бўлиб шаклланиши учун зарур шарт-шaroитларни яратди.

Яна бир мисол. 2023 йил апрель ойида Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғри-

сидаги кодексга оиладаги зўравонликка, хусусан, оилавий муносабатлардаги жисмоний, руҳий ва иқтисодий зўравонликка қарши кураш бўйича ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, ушбу турдаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Бу каби мақсадли ишларнинг қўламини кенгайтиб бормоқда.

Савол туғилиши мумкин: гендер тенглиги жамият тараққиётида қандай жиҳдий ўзгаришларга сабаб бўлади? Шубҳасиз, бу мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида жиҳдий ўзгаришларга сабаб бўлади. Биринчидан, гендер тенглиги мамлакатнинг иқтисодий ўсиш ва тараққиёти этишига ёрдам беради. Хотин-қизларга меҳнат ва тадбиркорлик соҳасида тенг имкониятларни таъминлаш эса миллий иқтисодиётнинг ривожланишига хизмат қилади. Шунингдек, хотин-қизларнинг иқтисодиётдаги фаоллигини ошириш камбағалликни қисқартиришнинг самарали ечимларидан бири ҳисобланади.

Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтиш лозим. Жорий йилнинг 13-14 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Осиё хотин-қизлари форуми минтақа мамлакатларининг хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган ишларини бир мақсад йўлида бирлаштириш, биргаликда янги йўл ва имкониятларни белгилаб олишда муҳим сиёсий тадбир бўлиб хизмат қилди. Эътиборли жиҳати, форумда Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш, аниққаса, хотин-қизлар ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилаётгани эътироф этилган. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиббининг ўринбосари, “БМТ – аёллар” тузилмаси ижрочи директори Сима Сами Бахус томонидан Ўзбекистонда хотин-қизларнинг маъқеини тубдан яхшилаш ва жамиятдаги мақомини оширишга қаратилган самарали ислохотларга юксак баҳо берилган эди.

Ҳа, уч кунлик тренинг нафақат билим олиш ва қўнималарини ошириш, балки ўзаро фикр, таъриба ва гоё алмашиш майдонига ҳам айланди.

Ислом АСИЛБЕКОВ,
“Hurriyat” мухбири.





ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Яқинлашиб келаётган улуғ сана – жонажон Ўзбекистонимизнинг Мустақиллик байрами билан институтимизда фаолият юритаётган мухтарам устозларни ва ходимларни, эртамиз ишончи бўлган азиз талабаларни самимий кутлайди.

Фахр билан айтиш жоизки, янгиланиш, ривожланиш ва тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган она Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ва юксак эътирофига сазовор бўлмоқда.

Эътироф этиш мумкинки, кейинги йилларда мамлакатимизда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори интеллектуал салоҳиятли кадрлар тайёрлаш жараёни сифат жиҳатидан тубдан янги босқичга кўтарилди.

Барчамизга ушбу Энг улуғ ва энг азиз байрамни зўр кўтаринкилик ва шоду хуррамлик билан қарши олмоқ насиб этсин. Юртимиз осмони узра ҳамиша қуёш чарақлаб, тинчлигимиз барқарор бўлсин.

Азиз юртдошлар, сизларга мустаҳкам соғлиқ ва оилавий бахт, ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!

33 yil





ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

яқинлашиб келаётган Энг улуг, энг азиз айём — мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади.

Янги Ўзбекистон ҳар бир ватандошимиз ҳаётига янгича мазмун, турмушига фаровонлик олиб кирди. Бу жараён кун сайин ёруғ истикболли режалар ва амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ халқимиз ҳаётида намоён бўлмоқда. Барча соҳалар қатори, хусусан, олий таълим соҳасида қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар, эзгу ташаббуслар, талаба-ёшларимизнинг илм-фандаги ғалабалари ҳам биз танлаб олган тараққиёт йўли нақадар тўғри ва ишончли эканлигининг амалий тасдиғи сифатида намоён бўлмоқда.

Жонажон халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда. Ишончимиз комилки, бугунги янги Ўзбекистон тарихи зарварақларига битилаётган жумла — “Учинчи Ренессанс”да ана шундай улуг бир эзгуликни, буюк бир кучни англатади.

Ватанимиз осмони мусаффо, ҳаётимиз янада фаровон, мустақиллигимиз абадий бўлсин!





ФАХР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛАБАСИ

Баҳодир Жалолов ва барча Олимпиада иштирокчиларига бағишлов

Баҳодир — зўр паҳлавон, қалби сўнмас чўғлидир,
Полвон эл, Ватанимининг асл полвон ўғлидир,
Юрт байроғин баландда тутган ғолиб — туғлидир,
Ўзбекинне жаҳон узра қутлуғ мартабаси бу,
Янеи Ўзбекистоннинг янеи ғалабаси бу.

Беш қитъани лол этди, мушт бўлиб беш бармоғи,
Ёв энди юрак ютиб қийин қарши бормоғи,
Асрларга татийди бу олтинчине салмоғи,
Ўзбекинне жаҳон узра қутлуғ мартабаси бу,
Янеи Ўзбекистоннинг янеи ғалабаси бу.

Мамлакат Эгасининг мудбаоси, матлаби —
Яшасин ҳар ўғил-қиз сор каби, бургут каби,
Чемпионлар мактаби — Баҳодирнинг мактаби,
Ўзбекинне жаҳон узра қутлуғ мартабаси бу,
Янеи Ўзбекистоннинг янеи ғалабаси бу.



БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

Муаллиф ҳақида:
Хуррам Райимов — 1950 йили Денов шаҳрида туғилган.

Болалар шоири. Унинг “Моҳитобоним”, “Қўш қанот”, “Бола билан капалак”, “Мен кичик кашфи-ётчи”, “Оқ тулпор”, “Сабр дарахти”, “Қўнғил муждалари”, “Қалбимдаги қўш”, “Инжа туйғулар”, “Мени шоир қилган муҳаббат” каби шеърый тўпламлари ва “Юрак ухламайди”, “Бахтли яшанг, одамлар” (хаммуаллифликдаги) публицистик китоблар муаллифидир.

Яқинда ўзининг қутлуғ ёшини нишонлаган шоир бир туркум шеърларини болажонларимиз учун тухфа сифатида йўллабди.



Хуррам РАЙИМОВ

ИЛМ ОЛСАНГ, БОЛАЖОН, СЕНИКИ БЎЛАР ЖАҲОН!

Хунарли бўл, илмли,
Эй, болажон, болажон!
Илму урфон, ҳаракат
Дўстинг бўлсин ҳар қачон.

Қўчат экса нуроний,
Челакчада сув кўйинга.
Тайёрланиб ҳаётга,
Меҳнатга меҳр тўйинга.

Илм кўпга қўшади,
Хунар кўкка кўтарар.
Жамики бойликлардан
Маърифат устун турар.

Тежамкор бўлиб, вақтни
Совермасангиз елга.
Суюк фарзанд бўласиз
Ҳам Ватанга, ҳам элга.

Чиниқтириб тананани,
Баҳсларда ғолиб юр.
Соғлом турмуш томонга
Ҳаётингиз кескин бур.

Тошчумчуқ
Бу қушинге зийнати кўп,
Ҳайрати тўлиб-тошар.
Яқиндан танишганлар,
Тошчумчуқ деб аташар.

Аҳлингиз тўйинтиргин
Билим билан ҳамиша.
Хуснинга хусн кўшсин
Одоб, ахлоқ, андиша.

Қўринишдан нозик у,
Патлари оқиш-оқиш.
Тумшукчаси қоп-қора,
Думи қалта, митти қуш.

Хунарли бўлсанг, инон,
Қўлингизда бўлар имкон.
Илм олсанг, болажон,
Сеники бўлар жаҳон!

Мошдек бир жуфт кўзлари,
Оламга хушнуд боқар.
Чугур-чугур сайраши
Қўнғил шамларин ёқар.

БОЛАЛИК

Болалик — бойлигимиз,
Тонедай чироилигимиз,
Гулга ўхшашилимиз,
Дилга туташлигимиз.

КУЗ

Човут ташлаб ўрларга,
Тирмашамиз қирларга,
Еллар бирла тушиб баҳс,
Ҳайратни айлармиз акс.

Юзлари бўлиб қирмиз,
Хуснини айлаб кўз-кўз.
Айтиб бизга ширин сўз,
Олтинланиб келар куз,
Ёлқинланиб келар куз.
Токлардан шимириб бол,
Элу юртингиз этганча лол,
Яхшиликдан очиб фол,
Олтинланиб келар куз,
Ёлқинланиб келар куз.
Мине ишва, мине ноз билан,
Қўлда дотор, соз билан,
Ёнғилуна роз билан,
Олтинланиб келар куз,
Ёлқинланиб келар куз.

Барг ёзамиз ям-яшил,
Таскин топсин дея дил.
Кулағимиз хандон-хандон,
Булбулдек яйраб, чандон.

Бизлар момақаймоқмиз,
Очилган қизғалдоқмиз,
Айтсак чиндан подшоимиз,
Гул ҳаётга ошноимиз.

ҲАМ ВАТАНГА, ҲАМ ЭЛГА

Бўш вақтларда сиз учун
Энг яқин дўст — бу китоб.
Йўлнамизни ёритар,
Чарақлаб мисол офтоб.

Гулга тўлган чаманларда,
Топли гўзал замонларда,
Яшаймиз, қўлимизни
Чўзсак етар осмонларга.

Жарангдор ҳуш навомиз бор,
Навоийдек бобомиз бор.
Билмаганлар билиб қўйсин,
Кенг жаҳонга даъвомиз бор.

Йўғонишлар даври буғун,
Тўлғонишлар даври буғун.
Оқсак билим, заковатга
Чулғанишлар даври буғун.

Ҳаёт — мисол улкан мактаб,
Бахтга чорлар доим мактаб.
Нур таратар йўлимизга,
Китоб бўлиб мисол офтоб.

Мақтовларга соғрулмаймиз,
Ёлгон сўзлаб, қоврулмаймиз.
Гул Ватанга тираб бўлиб,
Жанотлардан қайрилмаймиз.

Жисму танда ҳайрат кезар,
Қалбимизга олам меназар.
Онгимизни, шуғрумизни
Одоб безар, ахлоқ безар.

Эллар бирла сирлашамиз,
Диллар бирла диллашамиз.
Жаҳон минбаридан туриб,
Тенглар бирла тенглашамиз.

Гулга тўлган чаманларда,
Топли гўзал замонларда,
Яшаймиз, қўлимизни
Чўзсак етар осмонларга.

Боболар насиҳати
Жўр бўлсин тилакларга.
Момолар маслаҳати
Қўр бўлсин юракларга.



Баракалла, жаҳоннинг икки бор чемпиони,
Икки минг бор юксалди, Ватан, миллатнинг шони,
Янаради мадҳиямиз — ўзбекинне куй-забони,
Ўзбекинне жаҳон узра қутлуғ мартабаси бу,
Янеи Ўзбекистоннинг янеи ғалабаси бу.

Шубҳасиз, Эверестдан Олимп чўққиси юксак,
Бўлар экан-ку, мана, чўққига тугни тиксак,
Эл олдиға кўёшдек ёруғ юз билан чиқсак,
Ўзбекинне жаҳон узра қутлуғ мартабаси бу,
Янеи Ўзбекистоннинг янеи ғалабаси бу.

Алломишга баробар ҳам қадди, ҳам келбати,
Алломишининг ўзидек шиддати, салобати,
Олимп тоғидан боқди Ўзбекистон давлати,
Ўзбекинне жаҳон узра қутлуғ мартабаси бу,
Янеи Ўзбекистоннинг янеи ғалабаси бу.

Баҳодир — зўр паҳлавон, қалби сўнмас чўғлидир,
Полвон эл, Ватанимининг асл полвон ўғлидир,
Юрт байроғин баландда тутган ғолиб — туғлидир,
Ўзбекинне жаҳон узра қутлуғ мартабаси бу,
Янеи Ўзбекистоннинг янеи ғалабаси бу!

Ғайрат МАЖИД

Қамолга етказар чемпионларни.
Дунёни ҳайратга солганда улар,
Қудратин кўрингиз Ўзбекистонни!

Мусо Хоразмий “Ал-Жабр” китоби —
Математиканинг олтин асоси.
Халқаро илм курашларида,
Ўзбек ёшларининг йўқдир қасоси!..
Оққан дарё мудом оққани мисол,
Аллома изидан боради ёшлар.
Илму маърифатда чемпион улар,
Хазина китоблар абад йўлдошлар.

Софликка андоза ўзбек олтини,
Зарафшон, Мурунгов, Олмалик зар.
Олимпчиларимиз кўлга киритган
Олтинлар соф чиқди ҳаддан ташқари.
Ғиромликка ётдир азалдан ўзбек,
Алданиб қолмаса, алдамас зинҳор.
Абадий дўстликда қош ила кўздек,
Берган саломидан бўлади изҳор.
“Юртим шарафини кўкка кўтаргум!”
Баҳодир Жалолнинг ичган онти бу.
Тош отганга мудом тутиб келган ош,
Қандай жавонмард эл, қандай танти бу!
Аслида халқимиз юраги олтин,
Тутгани зар бўлган бунинг боиси.
Кифтинга ташлайди бир олам залвор
Шундай элу юртга фарзандлик ҳисси!

Дейдилар ниятинг бўлғайдир ёринг,
Ўзганинг ризқига бўлмас дахлимиз.
Ўттиз йилда кучи ортди диёрнинг,
Бир ярим баробар ўсди аҳлиминиз.
Еттидан бирини Хизр деб олсак,
Саноксиз дуноға очилган кўллар,
Ҳақлимиз дуноға кичик назар солсак,
Туташтирсак мовий уммонга йўллар.
Бугунги орзулар эрта чўзар бўй,
Мос эрур чинорнинг бўйи, илдизи.
Илоҳо, бошингдан аримасин тўй,
Она Ўзбекистон — эй, Шарқ юлдузи!

Тўқсон ЭШБЕК
12.08.2024 йил.

лиши билан Сарвиноз овқатланиб турган жойида қайт қилиб юборди. Сабаби, Зайнаб “мана овқатлантириш”, дея бир лаган шавлани Сарвинозга мажбурлаб едирганди. “Бошқа емайман, тўйдим”, деса ҳам, овқатлантириш шундай бўлади деб, ўзи қошиқ билан бир лаган шавланинг ҳаммасини едирганди. Сарвинознинг тун бўйи ошқозони оғриб чиқди. Кичик жусса-сига бу дард ортиқча эди. Кейин боши ҳам бироз оғрийдиган бўлиб қолди. Сочини ювганидаги мушт зарбасиданмикин ёки кўз ёшлари ила уйқусиз тунлари туфайлимикин, Аллоҳга аён эди. Бир кун Зайнаб арқонни топа олмай қолди. Арқон унга болаларини чанада учуриш учун керак эди. Зайнаб Сарвинозга ёпиша кетди. “Сен биласан арқоннинг қаердалигини! Топасан, топмасанг уйга қўймайман!” — деди жазаваси тутиб. Зайнаб билардики, бугун эри Зокир уйга келмайди. Сабаби, ишда навбатчиликда қолади. Сарвиноз кечгача совуқда кўчаларни айланиб, арқон кидирди. Арқоннинг тезроқ топилишини, тезроқ иссиқ уйга кириб, исинишини истади. Оёқлари музлаб қолди. Қўшда эрта қоронғи тушди. Ҳозир ҳам арқон топилмасдан кеч кириб, атрофни зулмат қоплай бошлади. Сарвиноз кўриб, секингина уйга кирди. Оёғидаги музлаб қолган қалишсини ечиб улгурмасидан Зайнаб байқаб, арқон топилмагунча уйга қирмаслигини айтиб, ўшқирди. Сарвиноз лаблари титраб, орта қайтди. У кўчага чиқиб, қўрқанидан ва совуқ еганидан қалтираб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Кўчада итларнинг хуриши кучая бошлади. Сарвиноз кўрқиб, ёзда овқатланишга ўтирадиган супа ёнига келди. “Арқон қани экан-а? — дея совуқдан кўкариб кетган лаблари билан пичирлади. — Топила қолса нима қиларкин-а?..” Сарвиноз секин супа тагига чўккалаб кирди. Унга шу ер бироз иссиқроқдек туюлди. Сарвиноз супанинг тағида исиниш учун кириб, барибир уйга киришига ўғай онаси йўл қўймаганидан билиб, онасини эслаб, хуриги келиб роса йилгиди. Қўзларидан оққан ёшлари совуқдан музлаб қолар экан. Сарвиноз супанинг тағида чўккалаб, ухлаб қолганини ҳам билмай қолди. Ярим кечаси тўлин ой чиққан чоғда Сарвиноз уйғониб кетди. Атрофни ой шуъласи ёритиб турар эди. Совқотиб уйғониб кетган қизалоқ кўзларини укалаб, атрофга аланглади. Супанинг тағида ухлаб қолганини билиб, кўрқиб кетди. Дарров ёдига арқон излаётгани тушди. Супанинг тағида, шундоққина ёнида арқон ётарди. Ё Аллоҳим, қудратингдан!

Не сирки, кундузи топа олмаган арқон ёнгинасида экан. Сарвиноз арқонни олиб, чопқиллаганча ўғай онасининг ёнига югурди.

...Мана, неча кундирки, Зайнаб тўшакка михланиб қолди. Балки, қариллик аломатидир. Оёқлари зиркираб оғрийди. Бошининг оғришидан тунлари ухлай олмайди. Чоли Зокир отанинг қазо қилганига ҳам анча йиллар бўлди. Зайнабнинг ўғиллари уйланган, онасини ҳам йўқлайдиган бўлишган. Ёнида эса ҳар кун иссиқ ва тансиқ таомлари билан парвона бўладиган Сарвиноз онасига овқат едирди, оёқларини укалаб қўйди.

Гулсуной ЖАМОЛОВА.
Ангрен шаҳри.



ВОҚЕИЙ

ЎТАЙ ОНА

Зокир банд бўлиб, келишган, меҳнаткаш, софдил йиғит эди. Ота-онасининг қистови билан Робия исмли қизга уйланди. Бахтли ҳаёт кечириб, бир қувончига яна ўн қувонч қўшилиб, ширингина фарзандли бўлишди. Қизалоғига Сарвиноз деб исм қўйишди. Қизли бўлишган, келиннинг қилиғи чиқа бошлади. Инжиқлик қилиб, турли бахона ва важлар билан Зокирнинг жигига тета бошлади. Бир кун Зокир ишдан чарчаб келганида Робия кечки таом ҳам тайёрламаган, уйлари ҳам саранжомламаган эди. Ўзи шундоғам чарчаб, боши оғриб турган Зокирнинг жаҳли чиқди. Аёлига қаттиқ гапириб юборди. Робия ҳам гина қилиб, аразлаб уйига кетиб қолди. Зокирнинг онаси кўп ўйлаб ўтирмади. Ақримиға ариза ташлаб келди. Ҳаш-наш дегунча вақт ўтиб, суд бўлиб ўтди. Судда қизари ажратилди. Қизлари Сарвиноз уртада қолди. Зокир уларни Сарвинознинг четга қақириб: “Онанг билан қолсанми, қизим, мен биланми?” — деб сўради. Сарвиноз бу саволни қутмаган эди. Тўғриси, у ҳали кичкина бўлганлиги сабабли, бу гапларни тушуна олмас эди. Индамай мўлтираб, дадасига қараб тураверди. Онаси билан бувисиникида турганлиги сабабли, отасини жуда соғинган эди. “Онанг яхши аёл эмас. У сенга яхши дада олиб келиши мумкин. Кейин яхши дада билан қандай яшайсан? Агар сендан ким билан қолишни сўрасанлар, мен билан қолишингни айтгин. Иккимиз ҳар кун боғни айланамиз. Сенга нима зарур бўлса, олиб бераман”. Зокир қизалоғи Сарвинознинг ўзи билан қолишини чин дилдан истарди. Шундай ҳам бўлди. Судда Сарвиноздан сўрашганида, отасини жудаям соғинган қизалоқ у билан қолишни айтди ва юғриб бориб, отасини қўчоқлаб олди. Суд қарори асосида Сарвиноз отаси билан қолди. Даставвал Зокирнинг онаси келиб, таом тайёрлаб, уй ишларига қўмаклашди турди. Кейин эса онасига ҳам ҳар кунги оворгарчиликлар малол кела бошлади. Кечкурун Зокирга яна уйланиш таклифини берди. Зокир унамади. Қизалоғининг ўғай она қўлида қолиб кетишини хоҳламади. Онаси қаттиқ туриб олди. Бироз сўз ёши ҳам қилди. Зокир: “Билганимизни қилинг”, — дея қизини боққа сайр қилдириш учун олиб чиқиб кетди. У ҳақиқатан ҳам қизини жуда яхши кўрар эди. Сарвинозни елкасига оқичлаб, боғни айлантиришни яхши кўрарди. Зокирнинг гапи онасига ёқиб тушди. Маҳалладан қиз кидиришини бошлади. Қиз ҳам топила қолди. Қисқа фурсат ичида тўй ҳам бўлиб ўтди. Зайнаб бирин-кетин Зокирга икки фарзандни ҳада

қилди. Сарвиноз ҳам олти ёшни қаршилади. Зокир бош фарзанди Сарвинозни ўзгача яхши кўрарди. Бундан Зайнабнинг гаши кела бошлади. Кечки таом тайёр бўлган, нималарнидир баҳона қилиб, Сарвинозни кўчага чиқариб юбориш ода-тини чиқарди. Сарвиноз топширилган юмушларни бажариб, қайтиб келгунча кечки таом еб бўлинар эди. Дадаси уйдан, рўзгоридан кўнгли хотиржам бўлганлиги сабабли бема-лол ишларини тутатиб, уйга кеч қайтарди. Сарвиноз эса бу маҳалда оқ ҳолда ухлаб қоларди. Тунда ёстиғини қўчоқлаб ётаркан, очлик хуруж қилиб, кўзига уйқу келмасди. Кўзларидан онасига бўлган соғинчи, очлик хуружи туфайли ёшлар қўйилиб келаверарди. Овози эшитилиб қолишидан кўрқиб, юзини ёстиғига босиб оларди. Дадасига айтгай, деса, дадаси ўзи ишдан кеч қайтган, бунинг устига, жуда чарчаб келарди. Нима қилди қайфиятини бузиб? Бу кун дадаси эртароқ ишдан қайтди. Сарвинознинг секинчи чексиз. Дадасининг тиз-засига ўтириб олиб, дийдорига тўйди. Зокир қизини бағрига босиб, сездик, Сарвинознинг сочлари узок вақт ювилмаганидан сўхмақ бўлиб кетибди. Зокир хотинини койиган бўлди. Шундан таомланиб ўтиришганида қўшниси Камол ака киришди. Узун сочларини ювиш чоғида гаши келиб, бошига бир мушт туширди. Сарвинознинг кўз ёшлари сув билан қўшилиб оқиб тушарди... Бир кун кечки таомланиш вақтида яна эски одати бўйича Зайнаб Сарвинозни кўчага, сув олиб келиш учун юборди. Ўзлари таомланиб ўтиришганида қўшниси Камол ака келиб қолди. Камол ака Зокирни кеча уйда кўрганлиги учун, бугун ҳам уйда, деб таҳмин қилиб чиққан эди. Камол ака Сарвинознинг йўқлигини кўриб, таажжубланди. Ташқарида Сарвинозни излади. Сарвиноз бир челак сувни қорли йўлакда оёғи сирпаниб, амаллаб олиб келаётган эди. Камол аканинг жаҳли чиқди. Сарвинознинг қўлидан челакни олиб, уйга ўзи кўтариб кирди. Уйда ҳаммалари овқатланиб бўлишган, дастурхон йиғилган эди. Камол ака Сарвиноздан “Овқатланасанми?” деб сўради. Сарвиноз эса совуқдан музлаб қолган қўлчаларини қўқўқулаб иситар, кўзларидан ёш оқарди. То-моғига йиғи келиб турганлиги учун гапирга олмади. Камол ака Зайнабни роса койди. Зокирнинг Зайнабга уйланишига сабаб ҳам Сарвиноз эканлигини, Сарвинознинг парваришлаш учун уйланиганини эслатиб қўйди. Зайнабнинг жаҳли чиқди. Лекин секингина узор сўради. Ичидан эрига айтиб қўйишдан кўрди. Эртаси кунки Камол ака яна келди. Камол ака кириб ке-

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

АТОҚЛИ АДИБ ИЖОДИ,
МАҲОРАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими қошидаги “Нурафшон зиёси” ёш ижодкорлар тўғарагининг навбатдаги машғулоти сўз қўлаш маҳорати мавзусида атоқли ёзувчи Хайриддин Султон ижоди асосида бўлиб ўтди.



Унда уюшманинг вилоят бўлими раиси, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган ёшлар мураббийи Раҳматилла Шералиев атоқли ёзувчи асарларида сўз қўлаш санъати, сўзга бўлган меҳр, маҳорат қирралари ҳақида фикр юритди.

Хусусан, машғулотда халқимизнинг сеvimли ёзувчиси Хайриддин Султоннинг “Ишонч телефони” ва “Ё, Жамшид” асарларида ҳаётини воқелика бадий ёндашув ва сўз қўлаш маҳорати таҳлил қилинди. — “Ишонч телефони” асарида бир эмас, бир неча ўнлаб қисматлар тасвирланган, — деди Раҳматилла Шералиев. — Ушбу асар бутунлиги кунда замонавий бадий ижоднинг энг янги намунаси дея эътироф этилмоқда. Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров таъбири билан айт-

ганда, “Ишонч телефони” — бу тамомла бошқача, энг янги ҳиссиётлар, энг янги сўзлар, энг янги адабиётнинг фойда характерли намунаси”дир. Ушбу асарда адиб одамларнинг “Ишонч телефонлари”га мурожаатларидаги изтироб ва кечинмаларни адабиётда кўп замонлардан бери қўлла-ниб келинадиган изҳор ва иқдор шаклида маҳорат билан бадийи жонлантириб, таъсири тарзда ўқувчига тақдим этган. “Ё, Жамшид” ҳикоясидаги услуб эса ҳар қандай ёш ижодкорлар учун доимий маҳорат манбаси бўлиб хизмат қила олади.

Эркин мулоқот тарзида ўтказилган машғулотда тўғарак аъзолари ҳам ёзувчи асарлари мурожаатидан олган таассуротларини сўзлаб беришди.

ЁШ ЖУРНАЛИСТ
ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга шарт-шароит яратиш масалаларига ҳамisha катта эътибор қаратилади. Бу борада журналистика соҳасида митти юлдуз бўлиб порлаётган ёш ижодкорлар ҳам доимо қўллаб-қувватланади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими оммавий ахборот воситаларида ўз ижодий ишлари билан фаол қатнашиб келаётган ёш қаламкашларга доимий эътибор қаратиб келади. Хусусан, ёшларнинг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг журналистик истеъдодларини тўғри йўналтириш борасида “Устоз-шогирд анъанаси”га риоя қилган ҳолда тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Галавиддин Юлдошев томо-



нидан “Маҳалла етилиги” газетасида муаллифлик мақолалари билан фаол иштирок этган ёш ижодкор Дилноза Уроқова ташаккурнома билан тақдирланди.

ХУДУДЛАРДА “ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ” КЎРИК-ТАНЛОВИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллигига бағишланган “Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз” деган бош ғоя асосида “Энг улуг, энг азиз” анъанавий республика кўрик-танловининг худудий ва республика босқичи ўз ишчи бошлаган. Жойларда танловга ижодий ишлар қабул қилинмоқда.

Яқинда танловнинг Бухоро вилояти босқичи якунланиб, ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танлов Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими бош ташкилотчилигида вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси, маданият бошқармаси, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, Бадий академия вилоят бўлими, Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмасининг вилоят бўлими, вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилди.

Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилоят бўлими раиси вазифасини бажарувчи Шамшод Очилов ва бошқалар мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат ва маданиятга қаратилган эътибор, шу йўналишда ташкил этилган танловларнинг аҳамияти, ижодкорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган

турли лойиҳаларнинг татбиқ этилаётганлиги, бунинг натижасида қўллаб-қувватлов эгаларининг кашф этиб борилаётганлиги тўғрисида сўз юритди. Шундан сўнг кўрик-танловнинг 7 йўналиши бўйича элликдан ортиқ ижодкор ижодий ишлари билан қатнашди. Шундан ўттиз нафари ғолиб ва совриндорга айланди.

— Жумладан, ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари, журналистларнинг публицистик нашрлари номинацияси бўйича 6 нафар ижодкор ғолиблар сафидан ўрин эгаллади, — деди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилоят бўлими раиси вазифасини бажарувчи Шамшод Очилов. — Босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг ижодий ишлари номинациясида 3 нафар ижодкорнинг ижодий ишлари эътироф этилди. Интернет-журналистика номинациясида 3 нафар ижодкор ғолиб деб топилди. Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари номинацияси бўйича вилоят телерадиокомпаниясининг 6 нафар ходими, таъсирли санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари номинацияси бўйича 3 нафар ижодкор танлов ғолиби бўлди.

Ғолибларга диплом ва пул мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати

ИККИНЧИ ФИКР

МЕН АНГЛОЛМАЁТГАН
ҲАҚИҚАТЛАР

Ҳар йили баҳор келади. Қирлар, адирлар, ҳамма ёқ гуллаб-яшнади. Кимнинг боғи бўлса, янада серҳосил кўчатлар ўтқазиб, кўнглини кўтиради. Орзу, ҳавас — инсонни юксакларга етаклайди.

Лекин мени бир нарса ажаблантиради. Қалбимни, бутун вужудимни қийнайди. У ҳам бўлса ҳар йили экилаётган ва бир неча ой ўтиб қуриб қолаётган арчалар. Минглаб, ўн минглаб, ҳатто миллионлаб кўчатлар экилади, экилади, экилади... Ҳар йили шундай. Балки эски замондан қолган ҳисоб учундир, билмадим. Ўтган ўн беш, йигирма йил ичида экилган арчаларни ҳисобласак, халқнинг қанчадан-қанча пули кўкларга совурилганини ҳис қиласиз. Лекин сарфланган



маблагнинг ҳисобига етолмайсиз. Буни на раҳбарлар, на экологик олимлар, на шу ишга масъул мутасаддилар ўйлайди. Ҳамма гўё томошабин. Агар шунча маблағ бирортасининг чўнтагидан чиқса бормиди, унда вазият бошқача бўларди.

Бу пуллар, бу маблағлар камбағалларга бўлиб берилса эдими, эҳтимол, биз тилга олган муаммага боғлиқ вазирликнинг ҳам кераги бўлмай қоларди.

Бизнинг иқлим шароитимизга мос, йиллар, асрлар бўйи синовдан ўтган қайрағоч, гужум,

тол сингари ҳам фойдали, ҳам ёзининг жазирасига чидаб бера оладиган дарахтлар экса бўлади-ку!

Бу ёғига энди инсоф берсин. Арчада айб йўқ, яхши дарахт. Лекин унинг ҳам ўсиб-унадиган жойи, замини бор...



Тоғам қишлоқда яшайди. Бутун авлодлари шу қишлоқда яшаб ўтишган. Қутлуғ номини ҳам ҳеч ким унутмайди. Лекин қишлоқ бор-у, номи йўқолиб кетган бўлса-да, ҳамон “қаерликсан?” дейишса, ўша қадимий қишлоғининг номини тилга олади. Қишлоқнинг номи қадимдан шундай аталган, шўро замони билан ҳечам алоқаси йўқ.

Бир-икки йил ичида шундай воқеа юз берди. “Опен бюджет” деган ҳаракат оммалашди. Биласиз, қишлоқда бир йўл бор, бу йўл сизни қишлоқнинг у бошидан бу бошига етказди. Шу денг, бир маҳалла “Опен бюджет”га қатнашиб, ўз худудида тегишли қисмини асфальт қилди-моқчи бўлди. Уларга тегишли ҳудуд йўлнинг ўрта қисмида эди. Кураш бошланди. Ҳамма нарса ишга солинди. Дўконларда ўтмай ётган ёғ ҳам қолмади. Сим карталар анқонинг уругига айланди. Охири ютишди.

Ғолиб маҳалла йўлнинг ўзига тегишли худудининг бир километрлик қисмини асфальтлатди. Бундан 50-60 йил муқаддам қуриб, асфальтланган йўлнинг боши ва охири ўйдим-чуқур жойлардан иборат бўлиб қолаверди.

Мени йўлни таъмирлаш учун курашган маҳалланинг “Опен бюджет”и қизиқтирмайди. Бироқ ташаббусли бюджет асосида таъмирланадиган ишлар бутун бошли маҳаллада эмас, балки беш-олтита бўлақларга бўлиб

амалга оширилиши нимага керак экан? Ахир бир қишлоқ фуқаролари ҳамisha бирлашиб, ҳамма бир оила фарзандидар яшар эди. Муаммоларни барча бақамти ечишарди. Қадимий қишлоқнинг ҳам номи бор эди. Энди эса қанчадан-қанча маблағ сарфлаб маҳаллалар ташкил этилди. Уларнинг бир-бирлари билан ким ўзарга фаолият юритиши оқибатида баъзан бир ариқнинг сувини бўлиб-бўлиб олиш учун ўзаро ёқалашига ҳам тўғри келмоқда. Бу муаммага чек қўйиш вақти келмадимми?!

Тил — миллат қалби, бойлиги, ғурури. Тилсиз миллат бўлмайди, Ватан ҳам. Ўзи туғилган заминни жон-дилдан севиш, ҳимоя қилиш, келажак авлод учун авайлаш — ҳар бир фуқаронинг бурчи, виждон амри.

Мустақиллик йўлида Ўзбекистоннинг биринчи қонунни ҳам Давлат тили ҳақида бўлган. Бунга эришиш осон бўлмаган. Жаҳидлар бошини тиккан, шоирлари жонини берган ўзбек тили ўтган асрнинг 80-йилларининг охирида фидойи ва жасоратли ватанпарварларнинг кураши билан ушбу қонун қабул қилинган ва кучга кирган. Бу қонунни ҳаётга татбиқ этиш осон бўлмаган. Хали ҳам кураш давом этмоқда.

Лекин мени ҳайратга соладиган нарса — айрим зиёлиларимиз рус тилини ёмонлаб оғиз кўпиртириб гапиришади-ю, амалда эса батамом бошқача. Баъзи “популист” зиёлиларнинг оиласини олиб қарасангиз, уйда бемалол русча сўзлашади, болалари, неваралари русча мактабга боради, уйларида фақат Россия телевидениесини томоша қилишади.

Бундай иккиозламачиларни нима деб аташга ҳайронсан. Улар ўзларининг ўзбек эканликларини шу билан исботлашса керақдир, балки.

Мен тилни ажратилдан йироқман. Зарурат бўлса, ўрганиб, қанча кўп тил билсангиз, шунча яхши. Лекин ўзбек тилини асло эсдан чиқарманг, иккиозламачилик қилиб, бошқа тилларнинг устидан кулманг. Тил — бу миллат бойлиги, ўзаро мулоқот воситаси. Уларни ўз ўрнида эъзозлаб, фахрланиб юринг. Ўзбеклигингиз — бу йигитларга бошига дўппи кийиш, қизларга атласдан кўйлак кийиш билан кифояланмайди. Ортиқча вазъонлик қилиш эса — обрўни тўқади, холос.

Жаббор РАЗЗОКОВ,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА

ДАВЛАТ
МИҚЁСИДАГИ
КЎЗБЎЯМАЧИЛИК

БОШ ПРОКУРАТУРА:
“Яшил макон” доирасидаги ишлар аҳволи ўрганилганда, 541 та ҳолатда амалда экилмаган 1 миллиондан зиёд кўчат ҳисоботларга қўшиб ёзилганлиги, 580 мингтаси суғориш тизими мавжуд бўлмаган жойларга экилганлиги ва 19 мингдан ортиқ кўчат ўз вақтида экилмаганлиги сабабли нобуд қилинганлиги аниқланган”.

Манба: platforma.uz

РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳусан СОДИКОВ чизган карикатура.

Hurriyat
Mustaqil gazeta



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 4 000
Буюртма — Г-844

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 22¹⁵

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Маъзиллими: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков, Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.